



ўзбекистон республикаси банк-молия академияси магистратура босқичи
“иқтисодиётни монетар тартибга солиш” йўналиши (имтс-06 гурӯҳи)
тингловчиларининг 2022-2023 ўқув йили 1-семестрида фанларни
ўзлаштиришини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқоти

**Сафарбуваев Ботир, Тангиров Хасан,
Нишионалиев Исломбек ва Абдуалимов Сардор**
– Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси магистратура босқичи ИМТС-06
гурӯҳи тингловчилари

1. Кириш

- Тадқиқот саволи:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура босқичи тингловчиларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати уларнинг таълим олишига қандай таъсир кўрсатади?

- Тадқиқот обьекти:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура босқичи ИМТС-06 гурӯҳи тингловчилари.

- Тадқиқотнинг аҳамияти:

Бугунги кунда дунё миқёсида таълим сифати ва илм олиш натижадорлиги асосий долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Талаба ва тингловчиларнинг таълим олиши, фанларнинг ўзлаштирилиш сифати ва таълим муассасаларида тажрибали устозлар мавжудлиги ҳамда яратилган шарт-шароитлардан келиб чиқиб жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар рейтинги юритиб келинмоқда. Афсуски, бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мавжуд таълим муассасаларининг ҳеч бири ушбу рейтингларга киритилмасдан қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорида ҳам бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилиб, таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Таълим жараёнида тингловчиларни фанларга ва таълим олиш сифати ҳамда мустақил таълим олишда **таъсир этувчи омиллар**, дарс жараёнида тингловчиларнинг иштироки ва билим олиш салоҳияти ўсишида мавжуд шарт-шароитларнинг регрецион ва корелляцион таҳлили амалга оширилди.

Бунда, ўтган беш ой давомида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура босқичи ИМТС-06 гурӯҳи тингловчиларининг



ижтимоий-иктисодий ҳолатидан келиб чиқиб, уларнинг фанларни ўзлаштириши кўп тамонлама таҳлил қилинди.

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг таълим сифатини янада оширилишига эътибор қаратилиб, таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, хulosha va takliflar berilgan.

2. Адабиётлар шархи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг таълим сифатини ҳамда нуфузини ошириш мақсадида бир қатор хорижий ва маҳаллий илмий ишлар ўрганиб чиқилди.

Хусусан, хитойлик олимлар Hu Yang va Zhanwei Zhilar талабаларнинг файларни ўзлаштиришига таъсир кўрсатувчи омилларни бир қатор таълим муассасалари ва мактабларда кўп чизиқли регресион таҳлили асосида ўрганган. Таҳлил жараёни талабаларнинг самарадорлигига уч томонлама таъсир қилувчи омиллар - мактаб, оила ва индивидуал бир нечта фаразларга асосланган.

Бунда, индекс тизими ва регрессия таҳлили учун интервюлар ва анкеталар орқали маълумотлар олинган. Тадқиқот жараёнида учта омил асосий деб қабул қилинган. Энг катта таъсир этувчи омил мактаб сифати ва таълим даражаси, касб ҳамда оила деган хulosaga келишган. Шунингдек, заиф таъсир этувчи омиллар талабаларнинг ишлаши, оила даромади деб ҳисоблашган. Уларнинг якуний хulosalariда яхши академик бўлиш ва таълим жараёнида яхши балл тўплаган талабаларни аксарияти яхши шароити мавжуд муассассада таълим олаётганлиги, оилавий шароити яхши эканлиги, ота-онасининг касби ва даромад манбаи деб билишган. Регрессия таҳлили орқали яхши яшаш одатлари, соғлом иш-ҳаёт мувозанати, соғлом овқатланиш ва мунтазам равишда машқ қилиш таълим олишда ва яхшироқ ишлашда ёрдам беради деган фикларга келишган [2].

Шунингдек, Dr. Charles Kombo Okioga ва Kisii Университети коллежи талабалари билан биргаликда талабаларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатининг университетлардаги ўқув натижаларига таъсири ҳақида амалий тадқиқот ўтказишган. Улар жами 186 респондентдан олинган сўровлар натижасини олишган. Бунда, 6 та факультетдан иборат оддий тасодифий танланмадан иборат анкеталар ташкил этилган. Шунингдек, Университетнинг ўқитувчиларидан ҳам қўшимча маълумот олиш учун анкета саволларига жавоблар олишган. Тавсифловчи ва хulosали статистика ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш учун регрессия таҳлили ишлатилган. Талабаларнинг ижтимоий-иктисодий маълумотлари ва академик фаолияти маълумотларни таҳлил қилиш учун ликерт мослиқдан дисперсия даражасини ўлчаш учун ўртacha оғирлик, стандарт оғиши ва анова таҳлилидан фойдаланилган. Таҳлил натижаларига кўра, талабаларнинг ижтимоий-иктисодий келиб чиқиши талабаларнинг академик кўрсаткичларига таъсир қилиши ҳақида хulosha қилинган [3].

Ўзбекистонлик олимлар У.У. Нуруллаев ва Ж.С. Уразовлар ҳам олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар томонидан фанларни ўзлаштириш кўрсаткичига таъсир этувчи омиллар ўрганганд. Таҳлил қилиш учун олий таълим муассасаларида 2-4-босқичда кредит-модул тизимида таҳсил олаётган 277 нафар талабалардан олинган ижтимоий сўровнома маълумотларидан фойдаланиб, **Ордеред Логистис Регрессия (Ологит) моделида** таҳлил натижалари олинган.

Талабалар томонидан фанларни ўзлаштиришига уларнинг жинси, давлат гранти асосида ўқиши, гуруҳ талабалари сони ўртасида боғлиқлик 1 фоиз ($p<.01$)ликда статистик аҳамиятга эгалиги аниқланган. Шунингдек, гуруҳ талабалари ўртасидаги муносабат ва талабаларнинг доимий яшаш худуди 5 фоиз ($p<.05$)ликда статистик мухим аҳамиятга эгалиги топилган. Ўрганиш натижлари яқунида эркак талабалар аёл талабаларга нисбатан 3,3 фоиз ($p<.01$) кам ўзлаштиргани, бирок, талабаларнинг давлат гранти асосида ўқиши фанларни ўртача ўзлаштиришини 6,3 фоиз ($p<.01$)га камайтиргани аниқланган. Шаҳар худудида истиқомат қилувчи талабалар қишлоқ худудида истиқомат қилувчи талабаларга нисбатан 70,4 фоиз ($p<.05$)га фанларни яхшироқ ўзлаштирган. Гуруҳда талабалар ўртасидаги муносабатнинг яхши бўлиши, фанларни ўртача ўзлаштириш кўрсаткичини 3,8 фоиз ($p<.05$)га оширган [4].

3. Методология

- Маълумотлар:

Ушбу илмий тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура босқичи ИМТС-06 гуруҳи тингловчиларининг 2022-2023 ўқув йили 1-семестрида фанларни ўзлаштиришини ўрганиш бўйича саволнома орқали маълумотлар жамланган.

Кузатувлар сони (n) – 34 та тингловчи;

- Модел:

Тингловчиларнинг фанларни ўзлаштиришига таъсир қилувчи омиллар кўплиги сабабли, қуйидаги кўп омилли регрессия тенгламаси асосида моделни ишлаб чиқамиз.

Кўп омилли регрессия тенгламаси:

$$Y=a+B_1X_1+B_2X_2+B_3X_3+B_4X_4+E$$

Бунда,

Y - боғлик ўзгарувчи (tinglovchilarning fanlarini ўzlaشтириш даражаси);

a - ўзгармас омиллар (констант);

X_1, X_2, X_3, X_4 - мустақил ўзгарувчилар (tinglovchilarning fanlarini ўzlaشтиришига таъсир қилувчи омиллар);

B_1, B_2, B_3, B_4 - мустақил ўзгарувчилар коэффициенти;

Е – хатолик.

STATA-17 дастури ёрдамида аниқланган регрессия таҳлили асосида тингловчиларнинг фанларни ўзлаштириши бўйича қўйидаги моделга эга бўламиз. (2-жадвал)

$$Y=116.4832+0.9416774X_1-1.178475X_2+0.859119X_3-12.21509X_4$$

Ушбу модел мустақил ўзгарувчилар (tinglovchilarning fanlarни ўзлаштиришига таъсир қилувчи омиллар)нинг бир бирликка ўзгариши боғлиқ ўзгарувчи (tinglovchilarning fanlarни ўзлаштириш даражаси)ни неча бирликка ўзгартиришини ифодалайди.

4. Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот жараёнида тингловчиларнинг баҳоларига таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида уларнинг ёши, амалда доимий иш билан бандлиги, даромад миқдори, олий таълимнинг бакалавриат босқичини тутатган вақти ва магистрлик ўкув жараёни ўртасидаги даври, жинси, дарс жараёнида расмий кийимда бўлиши, оила қурган ёки қурмаганлиги, фарзандлари мавжудлиги ва уларнинг ўкув жараёнида оиласи билан бирга истиқомат қилиши, дарс жараёнида кечикиш ҳолати, дарс қолдириш ҳолатлари инобатга олинниб, баҳолаш индекси орқали белгилаб олинган. (1-жадвал)

Ўзгарувчиларнинг статистик тавсифи

1-жадвал

Variable	Obs	Mean	Std. dev.	Min	Max
Umumiy baho	34	74,2549	12,11173	50	92,33333
yoshi	34	28,29412	5,030389	22	40
Daromadmiq~m	34	6,170588	4,831182	0	20
Bakalvrnib~o	34	5,058824	4,263596	1	16
Sinfdapart~q	34	3,176471	1,506965	1	5
Darsjarayo~i	34	1,676471	0,767546	1	3
Darsqoldir~1	34	1,558824	0,612554	1	3

Тингловчиларнинг фанларни ўзлаштириши 100 баллик тизимда баҳоланганда, энг юқори балл 93,3 баллни, энг кичик балл 50 баллни ташкил этган. Тингловчиларнинг энг ёши 22 ёшда ҳамда энг юқори ёши 40 ёшни ташкил этган.

Шунингдек, ишловчи тингловчиларнинг энг юқори даромад миқдори 20 млн. сўмни ташкил этган. Тадқиқотда танлаб олинган тингловчиларнинг бакалавриат босқичини тутатганига 1 йилдан 16 йилгача бўлган даврлар қамраб олган. Бундан ташқари, тингловчиларнинг



дарс жараёнида кечикиши ва дарс қолдириш ҳолатлари З қисмга бўлиниб рақамлаштирилган.

Тавсифий статистика натижалари шуни кўрсатдик, гурух тингловчиларининг ўртача балли 74,2 баллни, ўртача ёши 28,2 ёшни, ишловчи тингловчиларнинг даромад миқдори 6,2 млн. сўмни ташкил этган.

STATA-17 дастури ёрдамида регрессион моделлардан фойдаланиб, тингловчиларнинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичига таъсир қилувчи мустақил ўзгарувчиларга иқтисодий баҳо берилди.
(2-жадвал)

Ўртача ўзлаштиришига таъсир этувчи омилларни таҳлили

2-жадвал

. regress Umumiybaho Daromadmiqdorimlnsom yoshi Bakalvrnibitirganigaqanchabo Darsqoldirishholatiumuman1

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	34
				F(4, 29)	=	5.22
Model	2025.64491	4	506.411226	Prob > F	=	0.0027
Residual	2815.25705	29	97.0778295	R-squared	=	0.4184
Total	4840.90196	33	146.693999	Adj R-squared	=	0.3382
				Root MSE	=	9.8528

Umumiybaho	Coefficient	Std. err.	t	P> t	[95% conf. interval]
Daromadmiqdorimlnsom	.9416774	.3908909	2.41	0.023	.1422157 1.741139
yoshi	-1.178475	.8959867	-1.32	0.199	-3.010974 .6540231
Bakalvrnibitirganigaqanchabo	.859119	1.076269	0.80	0.431	-1.342099 3.060337
Darsqoldirishholatiumuman1	-12.21509	2.939168	-4.16	0.000	-18.22637 -6.203819
_cons	116.4832	22.08198	5.28	0.000	71.32045 161.6459

Таҳлил натижасида, учта асосий таъсир этувчи омиллар танлаб олинди. Бунда, дарс жараёнида доимий қатнашувчилар, даромад манбаи ва тингловчиларнинг ёши уларнинг баҳо даражасига юқори таъсир кўрсатиб, тингловчиларнинг дарс жараёнида олдинги ёки кейинги қатордаги парталарда ўтириши, расмий кийиниши, жинси, оиласилиги, фарзандлари билан яшashi ҳолатларининг таъсири ўта заиф эканлиги аниқланди. Тингловчиларнинг фанларни яхши ўзлаштириши даражасида энг юқори таъсир этувчи омил бўлиб, бу уларнинг даромад миқдори бўлди.

Шунингдек, баҳо даражаси ва ўзгарувчиларнинг кореллацияси ҳам аниқланиб олинди. (3-жадвал)

Ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик

3-жадвал




	Umumiyo~ o	yoshi	Sinfda~ q	Daroma~ m	Darsja~ b	jinsie~ 2
Umumiybaho	1					
Yoshi	0,0007	1				
Sinfdapart~q	-0,059	-0,6107	1			
Daromadmiq~ m	0,2497	0,2471	0,1177	1		
Bakalvrnib~o	0,058	0,9204	-0,4874	0,3364		
Darsjarayo~b jinsierkak~2	-0,2524	-0,1505	-0,0939	-0,0578	1	
farzandlar~i	0,1489	-0,2257	-0,329	-0,2487	0,0344	1
Oquvjarayo~1	0,1429	0,7999	-0,5142	0,3348	-0,2603	-0,1569
Darsjarayo~i	-0,3505	-0,2634	0,1245	-0,2473	0,1452	-0,0679
Darsqoldir~1	-0,1669	-0,2885	0,2604	0,2074	-0,0668	0,2875
Darsqoldir~1	-0,4977	-0,1926	0,448	0,1726	0,1357	-0,3845
Oquvja~ farzan~i						
farzandlar~i	1					
Oquvjarayo~1	-0,3421	1				
Darsjarayo~i	-0,2719	0,0367	1			
Darsqoldir~1	-0,101	0,2237	0,1384	1		


Ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда, тингловчиларнинг фанларни ўзлаштиришида энг катта таъсир этувчи ўзгарувчи тингловчиларнинг даромад манбаига эга эканлиги, бакалавр босқичини битирганига кўп бўлмаган ёшлар, синфда орқа қаторларда ўтирувчи тингловчиларнинг дарс қолдиришга мойиллиги, фарзандлари бор тингловчиларнинг даромад манбаига эгалиги, оиласи билан истиқомат қилувчи тингловчилар дарсларда расмий кийимда қатнашиши, эркак тингловчилар ўқув даврида оиласи билан истиқомат қилиши ўртасида катта боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Тингловчиларнинг баҳо даражалари асосий ўзгарувчиларнинг регрессия ва корелляция натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, уларнинг индивидуал ва умумий эгри чизик графиклари кўриниши қуйидаги расмларда келтирилди.

1-расм




2-расм




3-расм







4-расм




5-расм



6-расм




7-расм




8-расм





9-расм



Тадқиқот натижалари якунида иш билан банд, яъни ўзининг 3,0 млн. сўмдан 5,5 млн. сўмгача даромад манбаига эга бўлган, 25-30 ёш оралиғидаги, дарс жараёнига доимий қатнашувчи тингловчилар, бакалавр таълим босқичини тутатган тингловчиларнинг 4 йилдан 5 йилгacha бўлганлари, оиласи тингловчилар ҳамда дарс жараёнида биринчи қатордан

учинчи қаторгача партада ўтирадиган тингловчилар асосан юқори балл тўплаганликлари маълум бўлди.

5. Хулоса ва таклифлар

Таълим олаётган тингловчилардан асосан даромад манбаига эга бўлган тингловчилар даромад манбаига эга бўлмаган тингловчиларга нисбатан, бакалавр таълим босқичини якунлагандан сўнг 5 йил муддатдан ошмаган ва камида 2 йиллик иш стажига эга бўлган тингловчилар ушбу даврдан юқори бўлган ҳамда иш стажига эга бўлмаган тингловчиларга нисбатан, дарс жараёнида тўлиқ қатнашган тингловчилар дарс жараёнини кўпроқ қолдирган тингловчиларга нисбатан, шунингдек дарс жараёнини биринчи уч қаторга ўтириб тинглаган тингловчилар орқа қатордаги тингловчиларга нисбатан анча фаол ва баҳо даражаси ҳам юқори бўлиши мумкин деган хулоса гелинди.

Бундан ташқари, дарс жараёнида қатнашган тингловчиларнинг оила қурғанлари оила қурмаган тингловчиларга нисбатан анча масъулиятли, яъни дарс жараёнларига мунтазам равишда кечикмаслиги ёки дарсларни қолдирмаслиги ҳамда дарс жараёнида расмий кийимда бўлишлиги аниқланди.

Келгусида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг магистратура босқичига тингловчилар қабул қилинишида асосий эътиборни юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларга ҳам қаратилиши таклиф этилади.

Шу билан бирга, магистратура босқичида таълим олаётган тингловчиларга даромад манбаи бўлишигини инобатга олиб, уларга стипендиялар жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги таклифлар амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академисида таълим олиш сифатини ошириш ҳамда нуфузини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

“2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 365-сон қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

6. Фойдаланилган адабиётлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2909-сон қарори.

[2] H. Yang and Z. Zhu, “Analysis of the Factors Which Influence the Academic Performance of Students and Regression Prediction Based on Multiple Linear Regression”, 2022.

- [3] C. Kombo Okioga, “The Impact of Students’ Socio-economic Background on Academic Performance in Universities, a Case of Students in Kisii University College”, 2013. [Online]. Available: www.aijssnet.com
- [4] “Samarkand branch of.” [Online]. Available: www.samaguni.uz
- [5] K. Deepika, “MULTIPLE REGRESSION ANALYSIS OF CAUSATIVE FACTORS OF DEVIANT STUDENTS AND ACADEMIC ACHIEVEMENT AMONG SCHOOL STUDENTS,” 2020.
- [6] To’rayev Baxtiyor Ergashevich, “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2021 yil SURXONDARYO VILOYATI YALPI HUDUDIY MAHSULOTI TARKIBIDA QURILISH ISHLARI ULUSHINING KORRELYATSION-REGRESSION TAHLILI.” [Online]. Available: <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
- [7] “Иқтисодиёт ва таълим, 2021 йил, 6-сон 316.” [Online]. Available: <https://data.worldbank.org/>
- [8] S. J. H. Yang, O. H. T. Lu, A. Y. Q. Huang, J. C. H. Huang, H. Ogata, and A. J. Q. Lin, “Predicting students’ academic performance using multiple linear regression and principal component analysis,” *Journal of Information Processing*, vol. 26, pp. 170–176, Jan. 2018, DOI: 10.2197/ipsjjip.26.170.
- [9] “Кундалик Дунё Таҳлил Шахсий Фикр Кўзгу Обуна.” [Online]. Available: <https://unizone.uz/>
- [10] “REGRESSION WITH STATA CHAPTER 1-SIMPLE AND MULTIPLE REGRESSION Chapter Outline 1.0 Introduction 1.1 A First Regression Analysis 1.2 Examining Data 1.3 Simple linear regression 1.4 Multiple regression 1.5 Transforming variables 1.6 Summary 1.7 Self assessment 1.8 For more information.” [Online]. Available: <https://stats.oarc.ucla.edu/stata/webbooks/reg/chapter1/regressionwith-statachapter-1-simple-and-multiple-regression/>